

THE NEED FOR SOCIOLOGICAL RESEARCH ON THE MANAGEMENT AND DEVELOPMENT OF SOCIAL INFRASTRUCTURE IN SMALL TOWNS

Kahramon Nozimjonovich Kayumov

Senior Lecturer, Department of Social Sciences, Tashkent Islamic Institute named after Imam Bukhari,
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: nqayumov@inbox.ru

Annotation: This article focuses on the need for sociological research on the management and development of social infrastructure in small towns.

Keywords: Regional cluster, prosperity, transformation, innovation, action strategy, tourist flow, dynamic growth

КИЧИК ШАҲАРЛАРДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ БОШҚАРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЗАРУРИЯТИ

Кахрамон Нозимжонович Каюмов

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон
E-mail: nqayumov@inbox.ru

Аннотация : Мазкур мақолада кичик шаҳарларда ижтимоий инфратузилмани бошқариш ва ривожлантириш бўйича социологик тадқиқотларни ўтказишга бўлган эҳтиёж масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Худудий кластер, фаровонлаштириш, трансформация, инновация, ҳаракатлар стратегияси, туристик оқим, динамик ўсиш.

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется вопросам необходимости проведения социологических исследований по управлению и развитию социальной инфраструктуры в малых городах.

Ключевые слова: Региональный кластер, процветание, трансформация, инновации, стратегия действий, туристический поток, динамичный рост.

Ривожланаётган Ўзбекистон ҳаётида кичик шаҳарларнинг аҳамияти, замонавий жамият учун трансформацион жараёнларнинг аҳамияти, фуқаролар ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган давлат сиёсати билан боғлиқ. Шаҳар маданиятнинг жамланган ифодаси бўлиб, "инсон фаолиятининг турли соҳаларининг худудий кластери" ҳисобланади. Унда инсон ижтимоий, психологик ва метафизик текисликларда инсон сифатида яшайди, ишлайди, ривожланади ва ўз-ўзини долзарблаштиради. Шаҳарлар муаммолари бўйича замонавий илмий тадқиқотлар билан танишиш олимлар томонидан йирик шаҳар марказларига кўпроқ эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Аммо мамлакат худудининг кенглиги ва анъаналарининг хилма-хиллиги маҳаллий тарих ва маданиятни ўрганиш билан боғлиқ илмий ишларнинг кўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ.

XX асрнинг биринчи ярмида кичик вилоят шаҳарлари ижтимоий-маданий марказларга айланиб, анъаналар билан чамбарчас боғланган ва айни пайтда инновацияларга очик бўлиб, уларнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётини анча фаоллаштиради. Ўзбекистонда кичик шаҳарлари ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш механизмлари мавзусида социологик тадқиқот ўтказдим. Тадқиқот Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларида сўров (анкета усули) ва эксперт сўрови (интервью) усуллари орқали амалга оширилди. Респондентларнинг умумий сони 1200 нафарни ташкил этди. Бундан ташқари 28 эксперт, жумладан, вилоятлар кесимида турли соҳа вакиллари, тадбиркор, банк ходими, ўқитувчи, врач, архитектор, маданият ходимларидан олинди. Шу билан бирга 3 та хорижий мутахассислар, Россия бизнес соҳаси вакили иқтисодчи, Германия тиббиёт соҳаси ходими-врач, Туркия –таълим соҳаси талабасидан олинди.

Ушбу мавзунинг ўрганишдан асосий мақсадимиз мамлакат иқтисодиётига катта ҳисса қўшувчи кичик шаҳарларнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш ва шу орқали аҳолининг кичик шаҳарлардан катта шаҳарларга ёки бошқа ҳудудларга кўчиб келишини чеклаш ёки камайтиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига кўп маротаба эътибор қаратмоқдалар. Бу бўйича кўплаб қарор ва қонунлар ишлаб чиқилди. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури¹, “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармонлари асос вазифаларини бажармоқда.

Умуман олганда ҳудудларнинг комплекс ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Сўнгги йилларда кичик шаҳарлар ва шаҳар типидagi аҳоли пунктларини фаол ривожлантириш, уларда янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини яратишга қаратилган қатъий чоралар қўрилди ва кенг қўлланма дастурлар амалга оширилди. Шу билан бирга, хомашё базасини яратиш ва модернизация қилиш, иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича пухта ишлаб чиқилган режаларсиз ҳудудларнинг барқарор ривожлантиришга эришиб бўлмайди. Ушбу йўналишда Президент бир қатор чора-тадбирларни, шу жумладан жами 3 триллион сўмлик ҳудудий инфратузилмани ривожлантириш жамғармаси, 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, 84 та туман ва шаҳарлардаги ҳудудий кластерлар шакллантирилишини эълон қилди. Бундан ташқари, 2021 йилда ЭИЗ ва КСЗни зарур инфратузилма билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм ажратилади. 2021 йилда ҳудудларда 130 минг км. паст кучланишли электр узатиш линиялари ва 40 мингдан ортиқ трансформаторларни босқичма-босқич таъмирлаш дастури тасдиқланади. Бундан ташқари, туризм соҳасини ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ривожланган сайёҳлик инфратузилмасисиз, хорижлик меҳмонлари учун барча қулайликларни яратмасдан, туристик оқимнинг динамик ўсишини таъминлаш мумкин эмас. 2021-йилда сайёҳлик объектлари атрофидаги ерларни ободонлаштириш, сув ва йўл инфратузилмасини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади².

Ҳукумат ҳақли равишда Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиши кўп жиҳатдан кичик шаҳарларнинг ҳолати ва ривожланишига боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасида кичик шаҳарларнинг ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиладиганини таъкидлаш мумкин. Бизнинг маълумотларимизга кўра, МДХ давлатларидан бундай дастур фақат Россия Федерациясида мавжуд. Ўзбекларнинг энг кўп қисми қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда яшайдиганини ҳисобга олиб, ҳукумат мамлакатда кичик шаҳарларнинг ривожлантириш давлат дастури устида қаттиқ ишламоқда.

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони

Мен ўрганаётган ушбу тадқиқот муаммосининг Европа, Россия, МДХ давлатлари олимлари томонидан ҳам кенг кўламли равишда ўрганилган. Шаҳар социологияси узок вақт социологик фанининг алоҳида тармоғи сифатида ажралиб турди. Унинг юз йиллик ривожланиш тарихи мобайнида шаҳарсозлик муаммоларини социологик тадқиқ этишининг муҳим тажрибаси назария даражасида ҳам, эмпирик тадқиқотлар даражасида ҳам тўпланган. Умуман олганда шаҳар тараққиётига оид социологик адабиётларнинг бутун ҳажмини шаҳар жамоаларининг социологик таҳлил турларини тавсифловчи икки гуруҳга ажратиш мумкин: ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-экологик ёндашувлар.

Социологияда шаҳарларни ўрганишда ижтимоий-иқтисодий ёндашув хорижий муаллифларнинг асарлари билан ифодаланади. Россиялик муаллифлар орасида, В.Журавлев, Н.Аитов, Б.Говако, Ф.Игебаева И.Р.Муляджанов., Р.Аванесов³, Б.Грушина, В.Овсянников, Б.Хорева, И.Ильина, А.Боронников, В.Ельмеев, З.Файнбург ва бошқалар.

Ўзбекистонда бу мавзу Ата-Мирзаев, К.Калановлар⁴ ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ёритилади. Уларнинг ишларида шаҳарлар муайян жамиятни индустриаллаштириш омили таъсири остида доимо ривожланиб бораётган ижтимоий меҳнатнинг тақсимот тизимларининг бир қисми эканлиги ҳақидаги фикр очиқ берилган. Бу эса шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий ва касбий тузилишига, демографик вазиятга ва замонавий Ўзбекистонда турли типдаги шаҳарларга хос бўлган ижтимоий муаммоларга таъсир кўрсатади.

Чет эл социологик адабиётида бундай ёндашув XX асрда жамиятнинг шаҳар тузилиши муаммоларини тадқиқ этган кўплаб муаллифларнинг асарларида келтирилган. Уларнинг мазмуни ва мазмуни таҳлил даврига қараб ўзгариб боради. Немис мумтоз социология доирасида М.Вебера, В.Зомбарта, Г.Зиммел⁵ шаҳарларда иқтисодий шаклларни ўрганишга устуворлик берилди.

Социология тарихида ижтимоий воқеликни аниқлаш муаммоси ва ижтимоий трансформация муаммоларини ўрганишга катта эътиборга қаратилган. Бу муаммоларни ўрганиб, зарур фикрларни берган олимлар Э.Дюркгейм, М.Вебера, О.Конт, Г.Зиммел, П.Бергер, Т.Лукман, П. Бурдьё, А. Кетле, Т.Парсонс, О.Лейбович, В.Волкова, А.Ослон, А.Полетаев, И.Савельев⁶лардир.

Кичик шаҳарчаларнинг ижтимоий муаммолари юқорида қайд этилган ва бошқа тадқиқотчиларнинг кўпгина асарларида у ёки бу тарзда кўриб чиқилган, лекин уларни ҳали алоҳида ҳар томонлама ўрганиш олиб борилмаган. Бу эса олиб бораётган тадқиқотимнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Ушбу мавзунини ўрганишдан мақсад замонавий Ўзбекистонда кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш механизмларини ўрганиш орқали социологик таҳлил қилиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш куйидаги тадқиқот вазифалари билан ҳал қилинади:

Кичик шаҳарчанинг социологик таърифи аниқлаштирилади;

³ Журавлев, В.В. Проблемы духовной жизни общества / В.В. Журавлев. Ростов-на-Дону, 1972. - с 6. , Аитов Н.А., Говако Б.И., Игебаева Ф.А. Город. Население. Трудовые ресурсы. - Уфа: Башкирское книжное изд-во, 1982. - 176 - 144 с.; Муляджанов И.Р., Аванесов Р. Советский Узбекистан.- Т.: «Узбекистан», 1981. - 55с.; Ата-Мирзаев О.Б. и др. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т.: Медицинской литературы им. Абу Али Ибн Сино», 1998. - 159 с.

⁴ Ата-Мирзаев О.Б. и др. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т.: Медицинской литературы им. Абу Али Ибн Сино», 1998. - 159 с.

⁵ Вебер М. Город// Избранное. Образ общества.: Пер. с нем. М.: Юрист, 1994.- С. 309-446.; Зомбарт В. Строй хозяйственной жизни// Избранные работы. М.: Издательский дом «Территория будущего», 2005. (Серия «Университетская библиотека Александра Погорельского») - 344 с.; Зиммель Г. Избранное: В 2 т. : Перевод / Гл. ред. и авт. проекта С.Я. Левит. М.: Юрист, 1996. Т. 1: Философия культуры / [Редкол.: Л.Т. Мильская (отв. ред.) и др.]. - 1996. - 670 с.

⁶ Э.Дюркгейм Социология. Ее предмет, метод, предназначение /Пер. с фр., составления, послесловие и примечания А.Б. Гофмана. М.: Канон, 1995., Э.Дюркгейм О разделении общественного труда / пер. с фр. А.Б. Гофмана, примечания В.В. Сапова. М.: Канон, 1996. - 332 с.; А.Б.Гофман Социология. Ее предмет, метод, предназначение /Пер. с фр., составления, послесловие и примечания. М.: Канон, 1995. — 352 с.;

Кичик шаҳарни ижтимоий жамоа сифатида ифодаловчи асосий хусусиятлар аниқланади;

Ижтимоий воқелик тушунчасининг эвристик хусусиятлари аниқланади;

12-та кичик шаҳарларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш мақсадида эмпирик социологик сўров ўтказилди;

Кичик шаҳарларни ўрганишда вақт муаммоларига ҳам эътибор қаратилади;

Аҳолининг анъаналар ва замонавийликка йўналтирилганлигини ўрганиш ва таққослаш;

Совет давридаги кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасига ва бошқарувига кишиларни муносабати ва замонавийлик;

Ижтимоий лаборатория сифатида кичик шаҳарлар ва кичик шаҳарларда авлодлар таҳлиliga ҳам эътибор қаратилди.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш механизмларини ўрганишда тарихий ва қиёсий таҳлил қилиш орқали замонавийликка эътибор қартилди. Шу билан бирга бу мавзуга доир олимларни асарлари ва ўтказилган социологик тадқиқот натижаларини умумлаштириш орқали хулоса, таҳлил ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Журавлев, В.В. Проблемы духовной жизни общества / В.В. Журавлев. Ростов-на-Дону, 1972. - с 6.
2. Аитов Н.А., Говако Б.И., Игебаева Ф.А. Город. Население. Трудовые ресурсы. - Уфа: Башкирское книжное изд-во, 1982. - 176 - 144 с.;
3. Ата-Мирзаев О.Б. и др. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т.: Медицинской литературы им. Абу Али Ибн Сино», 1998. - 159 с.
4. Вебер М. Город// Избранное. Образ общества.: Пер. с нем. М.: Юрист, 1994.- С. 309-446.;
5. Зомбарт В. Строй хозяйственной жизни// Избранные работы. М.: Издательский дом «Территория будущего», 2005. (Серия «Университетская библиотека Александра Погорельского») - 344 с.;
6. Зиммель Г. Избранное: В 2 т. : Перевод / Гл. ред. и авт. проекта С.Я. Левит. М.: Юрист, 1996. Т. 1: Философия культуры / [Редкол.: Л.Т. Мильская (отв. ред.) и др.]. - 1996. - 670 с.
7. Дюркгейм Э. Социология. Ее предмет, метод, предназначение /Пер. с фр., составления, послесловие и примечания А.Б. Гофмана. М.: Канон, 1995. — 352 с.; Ценностные и «реальные» суждения // Социологические исследования, 1991.- №2, С. 106-114
8. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда / пер. с фр. А.Б. Гофмана, примечания В.В. Сапова. М.: Канон, 1996. - 332 с.;
9. А.Б. Гофман Социология. Ее предмет, метод, предназначение /Пер. с фр., составления, послесловие и примечания. М.: Канон, 1995. — 352 с.;
10. Гофман И. Представление себя другим в повседневной жизни / Пер. с англ. А.Д. Ковалева. М.: Канон-Пресс-Ц; Кучково поле, 2000. — 302 с.;
11. Бочаров Ю.П., Любовный В.Я. Город - целостный социально-экономический комплекс. - Коммунист, 1979.- № 2, с. 48-58.
12. Лаппо Г.М. Проблемы малых городов. - В сб.: Народонаселение и экономика. - М.: Экономика, 1967.- с. 170-186.
13. Хорев Б.С. Городские поселения СССР. - М.: Мысль, 1968. - 256 с.- с. 157.; Проблемы городов (Урбанизация и единая система расселения в СССР). Изд.2-е. - М.: Мысль, 1975.- 428 с .
14. Ахиезер А.С. Урбанизация и личность. - Рабочий класс и современный мир, 1974.- № 6, с.82-91. — 177 с.